



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 СОН, 3 ЖИЛД

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

НОМЕР 8, ВЫПУСК 3

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

"Ўтмишга назар" илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Кебадзе Мадонна

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Бурдиашвили Майя

*Доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия*

Кожакеева Ляззат Темировна

*тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон Республикаси*

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети*

Бобожонова Дилором Бобожонова

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети*

Зияева Доно Хамидовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Аширов Адхам Азимбаевич

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Агзамова Гулчехра Азизовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти*

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна

*тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти*

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна

*тарих фанлари номзоди, доцент. Ўзбекистон
давлат жаҳон тиллари университети*

Рахмонкулова Зумрад Бойхураевна

*Тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети*

Махкамов Қодиржон Одилжонович

*PhD, катта ўқитувчи
Наманган давлат университети*

Гофоров Шокир Сафарович

*тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти*

Эргашева Юлдуз Алимовна

*Тарих фанлари доктори, профессор
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

Теймураз Ахалмосулишвили

*профессор, Телавский государственный
университет, Грузия*

Халикова Рахбар Эргашевна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети*

Ишанходжаева Замира Райимовна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Кобзева Ольга Петровна

*тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети*

Одилов Абдор Анварович

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Ерметов Аваз Абдуллаевич

*тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Саипова Камола Давляталиевна

*тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети*

Джоробекова Айнур Эшимбековна

*тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги Дипломатия
академияси, Қозоғистон Республикаси*

Толипов Файзулла Саидович

*тарих фанлари номзоди, доцент
Тошкент давлат техника университети*

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич

*PhD, доцент
Наманган давлат университети*

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz


Phone: (+998-94) 404-0000

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Озодбек Аминбоевич Раджабов,
Ўзбекистон Миллий Университети
Жаҳон тарихи кафедраси таянч докторанти
e-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru
Ҳамза Ҳамрокул ўғли Қаландаров,
Бухоро давлат университети
Тарих факультети ўқитувчиси
e-mail: q.hamza.@mail.ru

XIX АСР БРИТАНИЯ ТАШҚИ СИЁСАТИДА “КАТТА ЎЙИН” МАСАЛАСИ ВА УНИНГ ИНГЛИЗ ТАРИХШУНОСЛИГИДА ЁРИТИЛИШИ

For citation: Ozodbek A. Radjabov, Hamza H. Qalandarov, THE ISSUE OF THE "GREAT GAME" IN BRITISH FOREIGN POLICY OF THE XIX CENTURY AND ITS REVIEW IN ENGLISH HISTORIOGRAPHY. 2020, vol. 8, issue 3, pp.72-77

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-8-9>

АННОТАЦИЯ

Жаҳон тарихида шундай муаммолар борки, йиллар давомида ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмайди. Шундай муаммолардан бири сифатида XIX аср ўрталаридан Осиёда бошланган инглиз-рус рақобатчилигини яъни “Катта ўйин” сиёсатини айтиб ўтишимиз лозим. Ушбу масала барча йирик дунё тарихчилари, сиёсатчилари ва экспертларининг монографияларида, халқаро алоқалар ва дипломатияга бағишланган кўпгина дарсликлар, журналлар ва газеталарнинг мақолаларида ўз аксини топган.

Дастлаб иккита империалистик давлатлар Англия ва Россия ўртасида бошланган кураш жараёни йиллар давомида ўз атрофида жуда кўплаб давлатларни тўплади. Ушбу кураш майдони Евроосиё минтақасининг жуда катта ҳудудларини қамраб олиб, жуда мураккаб бўлган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарди.

Мазкур мақолада инглиз тарихшунослигида шаклланган “моҳир ҳаракатсизлик”, “тажовузкор хужум” мактабларининг шаклланиши, ушбу мактабларнинг дастлабки сиёсий арбоблари ва уларнинг фикрлари келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: “Катта ўйин”, инглиз тарихшунослиги, Ҳинд империяси, Қироллик мустамлака институти, Ост-Индия, Викториа асри, Қироллик География жамияти.

Озодбек Аминбаевич Раджабов,
Базовый докторант кафедры “Всемирная история» НУУЗ
e-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru
Ҳамза Ҳамрокул угли Қаландаров,
Преподаватель исторического факультета БухГУ
e-mail: q.hamza.@mail.ru

ВОПРОС "БОЛЬШОЙ ИГРЫ" В ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ БРИТАНИИ XIX ВЕКА И ЕГО ОБЗОР В АНГЛИЙСКОЙ ИСТОРИОГРАФИИ

АННОТАЦИЯ

В мировой истории есть проблемы, которые не утратили своей актуальности и значимости за прошедшие годы. Одной из таких проблем является англо-русское соперничество в Азии с середины XIX века. Эта проблема отражена в монографиях всех крупнейших мировых историков, политиков и экспертов, а также во многих учебниках, журналах и газетных статьях по международным отношениям и дипломатии.

Процесс борьбы, который начался между двумя империалистическими государствами, Великобританией и Россией, собрал много государств вокруг этого за эти годы. Эта область борьбы охватила очень большую территорию Евразийского региона и вызвала очень сложные политические, экономические и социальные проблемы.

В этой статье описывается формирование школ «искусного бездействия», «агрессивного нападения» в английской историографии, первых политических деятелей этих школ и их взгляды.

Ключевые слова: Большая игра, английская историография, Индийская империя, Королевский колониальный институт, Ост-Индия, викторианский век, Королевское географическое общество.

Ozodbek A. Radjabov,

PhD researcher of National University of Uzbekistan

e-mail: ozodbek.radjabov.94@inbox.ru

Hamza H. Qalandarov,

Teacher of Bukhara State University

e-mail: q.hamza.@mail.ru

THE ISSUE OF THE "GREAT GAME" IN BRITISH FOREIGN POLICY OF THE XIX CENTURY AND ITS REVIEW IN ENGLISH HISTORIOGRAPHY

ABSTRACT

There are problems in world history that have not lost their relevance and importance over the years. One of such problems is the Anglo-Russian rivalry in Asia, which began in the middle of the XIX century. This issue is reflected in the monographs of all major world historians, politicians and experts, as well as in many textbooks, magazines and newspaper articles on international relations and diplomacy.

The process of struggle that began between the two imperialist states, Britain and Russia, has gathered many states around it over the years. This area of struggle has covered a very large area of the Eurasian region and has caused very complex political, economic and social problems.

This article describes the formation of the schools of "skillful inaction", "forward policy" in English historiography, the first political figures of these schools and their views.

Index Terms: The Great Game, English Historiography, Indian Empire, Royal Colonial Institute, East India, Victorian Age, Royal Geographical Society.

1. Долзарблиги:

Бугунги кунда республикада ижтимоий фанлар, айниқса, тарих фанлари долзарб мавзулари бўйича илмий изланишларни ташкил этиш ва таъминлашда самарали ишлар қилинмоқда. Мамлакатимизнинг ривожланган хорижий давлатлар билан интеграция ва ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришда давлатлараро муносабатлар тарихини чуқурроқ ўрганиш зарурияти юзага келмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ҳам ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат

масаласи устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти “очиқлик, ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятимизни давом эттириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш чораларини кўришимиз зарур”лигини таъкидлаб, халқаро муносабатлар ўрнатишдаги асосий вазифаларни белгилаб берган.

Мазкур тадқиқот 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 5 апрелдаги ПФ-5400-сон “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси

XIX асрнинг иккинчи ярми Буюк Британия ташқи сиёсатида бутун дунё, хусусан Марказий Осиёдаги рақобат учун кескин давр бўлиб, Буюк Британия ва Россиянинг ушбу минтақадаги қарама-қаршиликлари ривожланишида ҳам муҳим бурилиш даври бўлди. 1854-1856 йиллардаги Қрим уруши ҳамда 1857-1859 йиллардаги Ҳиндистондаги Сипоҳийлар кўзғолони минтақадаги халқаро муносабатларнинг холатига жиддий таъсир кўрсатди ва инглиз муаллифларини Ҳиндистоннинг Буюк Британия империяси тизимида тутган ўрни, инглиз-рус рақобати, Ўрта Осиёдаги Буюк Британия империясининг мақсад ва вазифаларини ўрганиш жараёнига жиддий киришишга ундади. XIX асрнинг иккинчи ярмида икки буюк давлат Россия ва Буюк Британия ўртасида тобора кучайиб бораётган рақобат шароитида “Катта ўйин” сиёсий жараёнининг шаклланиш даври бўлиб, бу ўша давр инглиз муаллифларининг сиёсий ва тарихий асарлари яратилишига ўз таъсирини кўрсатди.

1857 йилда Ҳиндистонда Буюк Британия империясига қарши Буюк Сипоҳийлар кўзғолони бошланди. Айтиш мумкинки, бу кўзғолон Ҳиндистондаги инглизлар ҳукмронлиги давомийлигига қаттиқ таҳдид солди. Натижада инглиз ҳукумати Ҳиндистонда бир қатор ислохотлар ўтказишга мажбур бўлди. Жумладан, Ост-Индия компанияси тугатилиб, Калькуттадаги генерал-губернатор лавозими бекор қилинди. Англия қироличаси Виктория Ҳиндистон қироличаси деб эълон қилиниб, амалдаги барча ҳокимият вице-қирол қўлида тўпланди. Ҳиндистондаги бу жараёнлар Британия ҳукмрон доираларида Шарқдаги мустамлакачилик сиёсати масалаларига эътиборни кучайтиришга сабаб бўлди. Инглизлар бу даврга келиб, Ҳиндистонни Британия империясининг асосий элементи сифатида қабул қилишган эди. Чунончи, “Ҳинд империяси (Ҳиндистондаги инглизларнинг мулки) Рим империяси давридагидек кенгая бормоқда ва ҳозирги кунда уни бемалол Европа давлатлари қаторига қўйиш мумкин” –деб таъкидлана бошланди.

Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати бутун Европадаги тарих фани ривожига, хусусан, Британия тарихшунослигига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тарих фанида бу даврга келиб либераллик ёки Виктория тарихи аънанаси етакчилик қилган. Бу тенденцияга кўра, эски ва янги типдаги жамият ва давлат ўртасидаги тафовут ва кураш жараёнида цивилизация, демократия ва индивидуал эркинликнинг изчил кенгайиши янги тараққиёт сари қадам қўйиш сифатида тан олина бошланди.

Айнан шу концепция доирасида “Оқ танли кишининг мажбурияти” назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, у Европа халқларининг замонавий цивилизация ва маданият ютуқларини Осиё халқлари орасида тарғиб қилиши Европа халқларининг маънавий-маърифий вазифаси эканлиги ғоясини илгари сура бошлади. Ушбу тушунча у ёки бу даражада ўша давр тарихшунослигида ўз ифодасини топди. Бундан ташқари, XIX асрнинг иккинчи ярмида ташқи ва мустамлакачилик сиёсати муаммолари билан шуғулланувчи ихтисослаштирилган илмий тадқиқот муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши давом этди. Бу даврга келиб, Оксфорд ва Кембридж университетларининг олимлари Марказий Осиёда инглиз сиёсати масалаларини тадқиқ қилишни бошладилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида ушбу университетларнинг янги тарих кафедраларида Шарқ мамлакатлари тарихи билан шуғулланувчи кадрлар етишмаслиги кузатилган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, мазкур ташкилотларда Шарқ мамлакатлари тарихини ўрганиш ҳамда шарқшуносларнинг асарларини чоп этиш йўлга қўйила бошланди. Шарқдаги инглиз мустамлакачилик сиёсатининг муҳимлиги нуқтаи назаридан Оксфорд университетида мустамлакачилик тарихи кафедраси ташкил қилинган бўлса, Лондон университети қошида Шарқ мамлакатларини тадқиқ қилиш маркази ташкил қилинди.

Қироллик География ҳамда Осиё жамиятлари каби илмий тадқиқот марказларида мустамлакачилик масалалари чуқур ўрганила бошланди. XIX асрнинг 60 йилларига келиб, Ҳиндистонда ҳам янги шарқ илмий жамиятлари ва марказлари ташкил қилина бошланди. 1868 йилда Буюк Британияда Уэльс шахзодаси ташаббуси билан Қироллик мустамлака институтига асос солинди. Институт мустамлакачилик ғояларини тарғиб қилувчи марказга айланиб, унинг фондида катта кутубхона тўпланди, институт ходимлари империянинг турли қисмларида бўлиб, жамоатчиликда мустамлакачиликка қизиқиш уйғотадиган маърузалар уюштирар, мустамлака ва разведка типидagi экспедицияларни молиялаштириб турар эди. 1886 йилда Қироллик мустамлака институти Империя институти деб қайта номланди. XIX асрнинг 60 йилларида инглиз Ҳиндистонида Шарқий Ҳиндистон Ассоциацияси ташкил қилинди. Ушбу ташкилот фаолиятида асосан Афғонистон ва Эрондаги инглиз-рус рақобати таҳлил қилинди.

XIX асрнинг 60-80 йилларида Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобати асосан Қироллик География жамияти томонидан жиддий тадқиқ қилинди. Ушбу ташкилотнинг раҳбари шарқшунос олим Г.Роулинсон билан бир қаторда “Катта ўйин” сиёсатининг дастлабки тадқиқотчилари Р.Мурчисон, Дж.Вуд, Д.Булджер, Дж. Маллесон, С.Д.Литтледед, Ф.Е.Янгхасбендлар илмий изланишлар олиб боришди.

Мазкур шахслар Ост-Индия компаниясида узоқ вақт хизмат қилган ҳарбий ва амалдорлар сафини тарк этган олимлар бўлиб, узоқ йиллар давомида Шарқ мамлакатларининг тарихи, географияси, тили, урф-одатларини ўрганган эди. Ўз навбатида Ҳиндистондаги Британия ҳукумати ушбу тадқиқотларни фаол рағбатлантириб, Марказий Осиёга йўналган илмий тадқиқот экспедицияларининг ташкилотчиси сифатида роль ўйнай бошлади.

3. Тадқиқот натижалари:

XIX асрнинг 50-60 йилларида Марказий Осиёдаги инглиз-рус рақобатига бағишланган инглиз тарихшунослиги дастлаб икки мактаб тарафдорлари (“Моҳир ҳаракатсизлик” ва “тажовузкор сиёсат”) ўртасидаги қарама-қаршилик фониди пайдо бўлди ва ривож топди. Мазкур концепцияларнинг яратилишида таниқли ҳарбий ва сиёсий арбоблар, дипломатлар, мустамлака маъмурияти ходимлари, саёҳатчилар, тарихчи ва публицистлар иштирок қилишган. Марказий Осиёдаги “Катта ўйин” сиёсати масаласи ва унинг устуворликларини муҳокама қилиш нафақат академик мунозара, балки сиёсий курашга айланиб кетди.

“Моҳир ҳаракатсизлик” мактаби тарафдорлари Россия Ҳиндистонни эгаллаб олишга интилмаётганлигини таъкидлашарди. Чунки, бунинг учун Россия империясида на реал хошиш, на ресурс мавжуд эди. Шу жиҳатдан олиб қараганда Ҳиндистондаги Британия чегараларини экспанция йўли билан кенгайтириш шарт эмаслигини уқтиришарди. Мазкур ғоя тарафдорлари Марказий Осиёдаги Буюк Британия нуфузини савдо ва дипломатия орқали кучайтириш зарурлигини кенг жамоатчиликка эълон қилишди. “Моҳир ҳаракатсизлик” мактабининг энг кўзга кўринган вакиллари билан, ушбу таълим асосчиси, Ҳиндистон вице-кироли Дж. Лоуренс, ўша пайтдаги Буюк Британия бош вазири В. Гладстон, таниқли тарихчи ва публицистлар В.М. Торнберн, Ф. Тренч, Я.А. Мак-Гахан, Г.Д. Кемпбелл (герцог Аргайл), Г. Ханналар эди.

Улар Марказий Осиёдаги инглиз ташқи сиёсатининг илмий асосларини яратиб, “Моҳир ҳаракатсизлик” ёндашувининг асосий қоидаларини ишлаб чиққан эди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб эса Ю.Скайлер, П. Ф. Уолкер, А. Г. Форбс, Э. Белл, Ф. Фишер, М. Моррис, А. Аббот каби тадқиқотчилар “Моҳир ҳаракатсизлик” мактаби ғояларини ҳукумат доираларида ва жамоатчилик ўртасида тарқалиши ва мустаҳкамланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мазкур йўналишнинг рақобатчилари “тажовузкор сиёсат” мактаби тарафдорлари эса Россиянинг Ўрта Осиёдаги барча ҳаракатлари Британия Ҳиндистонига таҳдид яратишга қаратилганлигини таъкидлашарди. Ҳатто, энг русофобия кайфиятидаги муаллифлар ҳам Россиянинг Ҳиндистонни эгаллаш мақсади йўқлигини яхши англасаларда, бу мустамлака худудга уюштириладиган босим туфайли руслар Европа китъасидаги сиёсий муаммоларни ҳал қилиши мумкин деб, ҳисоблашарди. Айниқса, бу ҳолат Ўрта ер денгизидан Ҳиндистонгача бўлган британ денгиз йўли коммуникациясида муҳим роль ўйновчи бўғозлар ва Истанбул(Константинопол) учун тегишли эди. Ушбу ғоя тарафдорлари Россия империясининг Марказий Осиёга кириб келишини Ҳиндистонга юриш кампаниясининг муваффақиятларини кафолатлайдиган шарт-шароитларни юзага келтириш сифатида кўрдилар. Чунончи, Ўрта Осиё хонликлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ минтақанинг тўла тасарруфга олиниши, армия ва ҳарбий кучларни маҳаллий манбалар ҳисобига ушлаб турилиши, ҳаракатдаги армия сафларини тубжой аҳоли ҳисобига тўлдириш, режалаштирилаётган ҳарбий юришларнинг орқа фронтларини тайёрлаш сифатида баҳоланди. “Агар, москваликларга Ҳиндистон чегараларида мустаҳкамланишига руҳсат берилса, бизнинг сиёсий ва молиявий қийинчиликларимиз юз баробар ошади”- деб таъкидланган эди.

Шунинг учун “рус хавфи” ни бартараф қилиши учун Буюк Британия ўзининг барча курол-яроғидан фойдаланиб бўлсада, ҳарбий тўқнашувгача бориши лозимлиги тарғиб қилинди. Ушбу ғоя тарафдорларидан Г. Роулинсон, Ч. Мак-Грегор, Дж. Маллесон, Г. Хэмли, Д. Булджер, Ч. Марвин, Ф. Бернаби ҳамда Г. Белью, Ф. Робинсон, В. Бейкер кабиларни таъкидлаб ўтиш жоиз.

4.Хулосалар:

Келтирилган маълумотлардан хулоса қиладиган бўлсак, Марказий Осиё ва Шарқ мамлакатлари учун империалистик кучлар ўртасида бошланган рақобат майдонида турли хил ғоя ва қарашлар юзага келганлигини кузатишимиз мумкин. Иккита конфронтацион мафкура лагерларида дастлабки даврда фақат бир-бирига қарама-қарши кайфиятдаги асарлар яратилган бўлса, кейинчалик вазият тубдан ўзгара бошлади. Бу ғарб мамлакатларидаги фаннинг мафкура таъсирларидан мустақил бўла олганлиги билан боғлиқ жараён эди. Инглиз ва хориж тарихшунослигида бу жараёнларнинг натижаларини кузатганимиз ҳолатида, уларга рақобатчи бўлган рус тарихшунослиги собиқ Совет давлати даврида ҳам мафкура колипларидан чиқа олмаганлигини таъкидлаш лозим.

Олиб борилган тадқиқот хулосалари асосида қуйидаги **таклиф** ва **тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- Конфронтацион характердаги икки марказ тарихшунослигини ҳаққоний таҳлил қилиш мақсадида ўша даврга тегишли архив ҳужжатлари асосида хрестоматия чоп этириш;
- Олий ўқув юртларининг Тарих факультети магистратура босқичида “ Халқаро муносабатларда инглиз-рус рақобати ” номли махсус курслар ташкил этиш;

“Ўзбекистон тарихи” телеканали билан ҳамкорликда Марказий Осиёдаги халқаро алоқалар тарихига доир туркум кўрсатувлар тайёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References

- [1] 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No.4947 of February 7, 2017 “Strategy of Actions on five priority areas of development of Republic of Uzbekistan for 2017-2021)

- [2] Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. [Электрон ресурс]. Кириш тартиби: <http://president.uz/uz/lists/view/2228>; (Mirziyoyev Sh.M. Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis. [Electronic resource]. Access mode: <http://president.uz/uz/lists/view/2228>)
- [3] www.lex.uz. Ўзбекистон Республикаси Миллий қонунчилиги маълумотлар базаси. (Database of National Legislation of the Republic of Uzbekistan)
- [4] Сили Дж., Крэмб Дж. Британская империя. М., 2004.-С.201-202. (Seeley J., Cramb J. British Empire. M., 2004.-P.201-202)
- [5] Есмагамбетов К.Л. Историко-этнографическое изучение дореволюционного Казахстана в Англия и США. Автореферат дисс.канд.ист.наук. М.,1990.С.13 (Esmagambetov K.L. Historical and ethnographic study of pre-revolutionary Kazakhstan in England and the USA. Thesis of dissertation, candidate of historical sciences. M., 1990, p. 13)
- [6] The Central Asian research Center ".// Royal Central Asian journal, vol LVI, February, 1969. part L p.105.
- [7] Эргашхужаева Г. 20 йиллар Ўрта Осиё хотин-қизлар эмансипацияси масалалари инглиз тарихшунослиги талқинида: Тарих фанлари номзоди... дисс... – Т., 1996.- Б.38. (Ergashxujaeva G. The problems of emancipation of women in Central Asia in 20 years in the interpretation of English historiography: Candidate of Historical Sciences ... diss ...- Т., 1996.- P.38.)
- [8] Жигалина О.Н. Великобритания на Среднем Востоке в XIX-начале XX века: Анализ внешнеполитических концепций. М.:1990.-С.180. (Zhigalina O.N. Great Britain in the Middle East in the 19th and early 20th centuries: Analysis of foreign policy concepts. M.: 1990.-P.180.)
- [9] Thorburn W.M. Russia. Central Asia and British India. L, 1865; Trench, Capt. F. The Russo-Indian Question, Historically, Strategically and Politically Considered. L., 1869; Mac Gahan J. A. Compaigning on the Oxus and the Fall of Khiva. L., 1874; Argyll. G. The Eastern Question. Vol. 1-2. L, 1879; Hanna H. B. The Indian Problems. Vol.1-3, L., 1895.
- [10] Schuyler E. Turkistan. Notes on a Journey in Russian Turkistan, Khokand, Bukhara and Kuldja. Vol. 1-2. L.,1876; Walker P.F. Afghanistan: A Short Account of Afghanistan, Its History and Our Dealings with It. L., 1881; Forbes A.G. The Empire and Cities of Asia. L. 1873; Bell E. The Oxus and the Indus. L, 1869; Fisher F.H. Afghanistan and the Central Asian Question, L., 1878; Abbott A. The Afghan War, 1838-1842. L. 1879; Morris M. The First Afghan War. L., 1878.
- [11] Russia's march towards India. Vol. 1-2, L., 1894, Vol. 1, P. VII.
- [12] Malleson G.B. The Foundations of the Indian Empire. Delhi, 1882; Hamley E.H. On the Russia's Advance towards India. L, 1885; Hamley E.H. The Strategical Condition of our Indian North-West Frontier. L., 1879; Boulger D.C. India in the Nineteenth Century. L., 1901.
- [13] Bellevv H.W. Afghanistan and the Afghans: Being a Brief Review of the History of the Country and Account of its People with a Special Reference to the Present Crises and War with the Amir Sher AH Khan. –L., 1879.